

КИШЛОҚДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИГА НИМАЛАР ТЎСИҚ БЎЛАЯПТИ?

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Маркс Жуманиёзов билан мулоқот



Долзарб мавзу

-- Сухбатни мамлакатда кечаётган иқтисодий ислохотлар жараёни қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида қандай натижалар бераётганидан бошласан.

-- Ҳозирги кунда тармоқда иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминлаш бир неча йўналишларда олиб борилаётган. Масалан, деҳқончиликда -- деҳқон-фермер хўжалиқларини ёпиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантириб, ер, сув, ўғит, уруғ ва техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари қўйилаётган.

Чорвачиликда эса, илгариги хўжалиқлар тасарруфидида фермер фермер хўжалиқларига айлантирилиб, уларга 194 минг гектарлик ортқ ер майдони ажратилди. Уларга насли қорамол ва қўй этказиб бериш мақсадида илгарики наслилик хўжалиқларини вазирилик ихтиёрида қолдирилди.

Уруғчилик соҳасида алоҳида уюшма ташкил қилинди. Уюшма тасарруфидида меҳнат қилаётган олимлар, мутахассислар яқин келажикда хўжалиқларнинг янги нав уруғларга бўлган эҳтиёжини тўла қондирилади. Ана шу уюшма асосида пахта, галла ва бошқа ўсимликларнинг элита ва биринчи репродукция уруғларини этказиб берадиган алоҳида тизим шаклланипти.

Мева-сабзавот, узум етиштиришда ҳам хусусийлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилаётган. Чунки мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, бир жойда деҳқоннинг турғунлиги деҳқонга ҳам, хўжалиққа ҳам катта зийн келтирилмоқда. Қопасера, бутунчи ислохотлардан кўзланган бош мақсад ҳам шу. Ерни, мулкни ўз эгаси -- деҳқонга топшириш. Шу йўсинда иш тутган хўжалиқларда бу йил мева-сабзавот, польд маҳсулотлари, гуруч етиштиришда натижа утган йилга қараганда анча яхши бўлади.

200 дан кўп лавозим қисқарди

-- Иккала вазирилик бирлаштирилиб, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик тарихи тоғналтига қандай қарайсиз?

-- Энди ер ва сув битта қўлда бўлаётгани бўлди. Яъни ер ва сувдан самарали фойдаланиш имкони яратилди. Бу биринчидир. Иккинчидан эса, иккала вазириликни бирлаштириш натижасида вазирилик олти нафар ўринбосари, 200 га яқин бошқарув аппарати ходими лавозими қисқартрилди.

Янги вазириликнинг янги тизими ишлаб чиқилайти, му-

тахассислар замонавий компьютерларда ишлашга ўргатилмоқда.

-- Тизим ўзгарди десангиз, ҳўй, жойлардаги раҳбарларнинг ўз вақисига масъулияти-чи? Бир қатор хўжалиқлардаги муттаъил қолдиқларга ана шу бепарволик, масъулиятсизлик сабаб бўлмайдими?

-- Албатта. Жойлардаги раҳбарлар орасида бепарво, лоқайд, боқимандлик билан кун кўраётган ношуд раислар, ҳокимлар талайти. Деҳқонча қилиб айтганда, уларнинг кўпчилиги «эски эшон» вақилириди. Шу боис тизимни ўзгариштиришда вазирилик аппарати, унинг жойлардаги илораларига раҳбар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказиб, ёш, ғайратли, билимдон ходимларни кўйилди. Бу иш кўйи бўғинларда ҳам амалга оширилади.

ИККИ МУҲИМ ВАЗИФА

-- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик фаолиятини такомиллаштириш учун нима бирламчи деб ҳисоблайсиз? Галлага режалар тўғрисида нима дед оласиз?

-- Бирламчи вазифа -- вазирилик тизимини билдмон, сергайрат, тиливо дили бир ходимлар билан таъминлашга эришиш.

Галлага режаларга келсақ, аввало, читини пилёна остига экиш технологиясини кенг ёйиш, шу мақсадда 1997 йилда 200 минг гектар ерда Андижон технологиясини кўллаш режалаштирилди. Бунинг учун Андижонда ходимларни ана шу янги иш услубига ўргатиш жараёни давом этайти.

Иккинчи вазифа: -- пахта ва галлачилик хўжалиқларини серхосил уруғлар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш; -- чорвачиликда насли молларни кўпайтириш, озуқа, ем базасини мустаҳкамлаш; -- ернинг мелориатив ҳолатини яхшилаш, шўр ювиш, ерлан тежамкорлик билан фойдаланиш масалаларини ҳал этиш; -- олимларимизнинг гидрогелдан фойдаланиш тақлифини ишлаб чиқиш; -- фан-техника ютуқларини кенг қўллаш, шу асосда деҳқончилик маданиятини юксалтириш.

ИСЛОҲОТЛАР НОМИГАГИНА ЎТКАЗИЛАГАЧ...

-- Биз бутун мавжуд қоқоқликларнинг туб моҳиятини тутақ анлаб ётаётганига ўқшайми. Шу боис ақсариг ҳоқларда бу масалага юзлик баҳо бериш билан қишлоқчиликнинг, шеқили. Бўласа, бу йилгидек, об-ҳаво қулай келган шароитда ҳам ақсариг вилоятларда пахта тайёраш режаси бардод этиларинки?

-- Бу йилги қоқоқликларга бир қанча ҳоқлар сабаб бўлди. Масалан, 1995 йил қўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм воқисада шўр ювиш ишлари 15-20 кунга кечиктириб юборилди. 1996 йил баҳорда тўпроқ ҳароратининг пастлиги мамлакатнинг шимолий минтақаларида экин мавсумининг май ойгача қўзилиб кетишига сабаб бўлди. Бунинг устига ёш оиларида самарали ҳарорат 100-150 даражага паст бўлганиги туфайли гўза ривожланишдан орқада қолди. Жанурий минтақаларида эса август ойидидаги гармесль бир қатор туманларда гўзага жидлий зарар етказди. Бунинг устига Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳосил тўлаш учун асосий палла бўлиб ҳисобланган август ойида сув танқислиги юзга келди ва алақоқибат кўп жойларда гўзалар чанқитиб қўйилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг пахта далаларида қарадарина ҳашоратига қарши кураш чоралари ўз вақтида қўрилмади. Бу ҳам ҳосилни бир қанча бой беришига олиб келди. Хўжалиқларнинг иқтисодий ноқорлиги туфайли мавжуд техникалар мавсумга тўлиқ тайёрланмади. Оқибатда шўрдорлаш, баҳорги экин ш нўҳот, галла ўриш, пахта териш ишлари бир қадар кечикди.

Хуллас, қишлоқдаги ислохотлар жараёнини бир хилда таъминлашга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳозиргача ўз ечимини топгани йўқ. Бунга қатор хўжалиқларда ислохотлар номига ўтказилгани ҳам сабаб бўлган. Айрим мутахассисларнинг мақсатли пастлиги хўжалиқларда ҳисоб-китоблирини издан чиқаришига олиб келаяпти.

Қоқоқликларни бартараф этиш учун, бутун биринчи навбатда фермер хўжалиқлари, оила ва ижара пудрати фаолиятини ривожлантириш, ҳиссадорлик уюшмалари бошқарув тизимини такомиллаштириш зарур.

Бизда давлат бош ислохотчи бўлганиги учун ҳам ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш мақсадида етарли миқдорда ерлам кўрсатайти. Масалан, биргина 1997 йил ҳосили учун жами 330,8 минг тонна азотли, 311,9 минг тонна фосфорли ва 220 минг тонна калийли ўғит етказиб бериш чоралари қўрилляпти. Бу рақамлар ўтган йилдаги нисбатан бир неча минг тонна кўп эканлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, давлатнинг хўжалиқларга ерлами яққол намоеи бўлади.

Яна бир мисол: қишлоқ ва сув хўжалигини иш унуми самарали бўлган техника билан таъминлаш бўйича катта ишлар қилинайти. 1996 йилнинг ўзида Американинг «Кейс -- Корпорейшн» компанияси 424 та галла комбайни, 150 та «Магнум--7240» трактори, Гер-

маниядан эса 24 та «Класс», 4 та «МДВ» шўли-галла ўриш комбайнлари келтирилди. 1997 йилда давлат хўжалиқларига яна 200 та «Кейс» комбайни, 400 та «Магнум--7240» тракторлари олиб келиш учун маблағ ажратган.

Жаҳон андозаларига мос, серуном тракторлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш бўйича ҳам иш олиб борилаётган.

1997 йилнинг биринчи чорағида 50 донга уч гилдиракли, 50 донга тўрт гилдиракли тракторлар, йилнинг охиригача эса ҳар бир трактордан 300 дондан ишлаб чиқариш режалаштириляпти.

«Кейс -- Корпорейшн» билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхона тўла қувват билан ишга тушгач эса, йилига 7.000 донга замонавий тракторлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламыз.

ҚАЛАЙСАН, ГАЛАЗОР?

-- Президентимиз Бухоро вилояти сессиясидаги нутқида янги ва серхосил галла навида алоҳида эътибор қаратдилар. Умуман халқимизнинг риқ-насибас бўлган қузи галла экинган майдонлардаги бугунги манзара қандай?

-- Бу йил асосий майдонларда бўғдининг серхосил «Интенсив», «Санор--4», «Санор--8», «Енбос», «Маржон», «Шерло», арганинг «Ойқор», «Болгали», «Зафар», «Темур» навлари экилди. 175 минг гектар яқин майдонга эса Россиядан келтирилган «Спартанка», «Скифиянка» ва «Юна» навли серхосил бўғдой уруғи сепилди. Ана шу майдонлардан олиналган ҳосилдан, асосан, уруғлик сифатида фойдаланиш мўжжаланапти.

Шу билан бирга ҳосилдорлиги ва доннинг сифати юқори бўлган Миср, Венгрия, Франция ва бошқа хорижий мамлакатлардан келтирилган навлар мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштирилмоқда.

Қузи галла ҳақида тўғраладиган бўлсақ, шу кунгача 860 минг гектар суғориладиган майдонларда тўлиқ қўчат ундириб олинди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозир 1 кв. метрада ўртача 400-460 донга қўчат мавжуд. Лекин лалми ерларда аҳвол кимоз танроқ, Егингарчилик кам бўлганиги, ҳароратнинг паст келиши сабабли жами галла экинган майдонларнинг 15 фоизда қўчат ундирилди, холос.

«Халқ сўзи» муҳбири Шодир КАРИМОВ сўзлашди.



Янги йил арафасида Нукусда Бизнес маркази иш бошлади. Марказ янги бинага жойлашган бўлиб, барча шарт-шароитлар мавжуд.

Мулкдорлар

ДАРОМАД 100 МИНГ СЎМ АТРОФИДА БЎЛДИ

действиюмқда Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» пай-ҳиссадорлик жамияти акционерлари

Ҳақиқатдан ҳам 1996 йил «Дўстлик» жамоеси аъзолари ҳаётида Учмас из қолдири. Акциядорларнинг йиллик даромади ўртача 100 минг сўм атрофида бўлди. Давлатга пахта сотиш режаси 117 фоиз бажарилди. Умумий фойда 20 миллион сўмдан ошиб кетди. Хўш, бу натижаларга қандай қилиб эришилди?

-- Биз бу мақсалларни рўёбга чиқаришда инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйдик. -- дейди ҳиссадорлик жамияти мазмурият раис Аскар Утегенов. Чунки, ҳар бир жамоенинг эришган ютуқлари оддий кишилар турмушида сезилмас экан, умумий ишда ҳеч қанчон ривожланиш бўлмайди. Шунинг ҳисобга олиб, жамоеи ҳиссадорлик жамиятига айланган «Дўстлик» марказини янги ширна қарор қилинди. Бунга амалга оширишда одамларнинг турмуши, таркиби ва ангалари ҳисобга олинди. Олимларни хўжаликка тақлиф этиб, фикр-мулоҳазаларини ўрганиди.

Жамое хўжалигининг ҳиссадорлик жамиятига айлантиришда биринчи галда ушбу хўжаликда меҳнат қилаётган аъзоларнинг йиллар мобоинида ишлаган иш ҳаққи, суммаси, хўжалик бўйича эса уларнинг йилгидисини аниқлаш керак эди. Бунда 1964 йил бошлангич ҳисоб йили қилиб олиниб, тақтишчилар рўйхатида 15735 киши иш ҳақи суммасига кўпайтирилиб, унинг улуши аниқланди. Акциялар ва акционерларнинг улушини аниқлашда ҳар бир ишчи, ходим ва раҳбарнинг хўжаликда ишлаган даври, меҳнат маълумоти, бошқача айтганда касб мураккаблиги ҳисобга олинди.

Энди хўжаликдаги мавжуд ерининг ҳақиқий хўжайинини аниқлаб олиш керак эди. Нимага деганда, илгари хўжаликда бор мол-мулк, жумладан ер ҳам жамое мулки бўлиб, ҳаммаси ўзимизники ва шу билан бирга ҳеч кимники эмасди. Шу сабабли ерни ҳақиқий эгаларига ижара сифатида бўлиб берилиши лозим эди. Бунга амалга ошириш учун ер ҳамма аъзоларга тенг бўлиб берилди. Яъни ерга хўжайинлик қилиш

учун ҳар бир кишига имконият берилди. Биринчи иккинчи ойлақ бязи бир кишиларнинг шунча ердаги экинга ишлов беролмаслиги маълум бўлиб қолди. Айримлари эса, ҳатто, эглай олмасдан ташлаб кетди. Қолганларга оёққа туриб олиш учун ердан кўрсатилди. Шундай қилиб, ернинг ҳақиқий эгалари топилди.

Ер эгасининг ҳуқуқи ва жабуриятларига келсақ, у мажбурий таъйирлашнинг ҳамма жараёнида қатнашди ва режаларнинг бажарилишида шахсий жавобдорлиқ. Меҳнаткор, суғич, бригадир, ҳосилот, бўлим бошлиғи ва бошқалар ўзларининг меҳнати билан унга ердан берадилар. Ҳамма ишловчиларнинг даромади охириги иш натижаларига боғлиқдир. Яъни ер эгаси шартномалдан ташқари келган даромаддан ҳар бир ишчининг меҳнати, унинг қий даржада ишгирок эптанлиги қараб тақсимлайди. Натижада деҳқон янада умумироқ ишлагаша ҳаракат қилди, унинг манфаатдорлиги ортади.

Гуллом ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАҚБУЛ НАРХЛАРДА ТАВСИЯ ЭТАДИ:

1. Пулат қувурлар - d-25/3.2, d-76/3.8, d-89/3.8, ГОСТ 3262-75 сув ва газ учун.
2. Пулат қувурлар - d-108/6, d-114/6, d-133/6, d-152/6, d-219/7, ГОСТ 8732-75.
3. Пулат тилими - 60x12, 64x15, ЗПС русумли.
4. Халқалар - d-28, 32, 38.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 51.
Тел.: (3712) 50-99-68, 50-99-71.
ПЕИДЖЕР: (067) 5620, 6724.
Кечқурун тел.: 41-61-53, 44-58-67.

"ХАРУША-МАЮР ЛТД" ҚК

Тошкентдаги омбордан сотади:

- новлайдиган гуақоқозларнинг 55 хили /Германия/;
- ДСП 3,5 м. х 1,75 м. х 16 мм. /Россия/;
- қойшабар /Германия/;
- стуллар ва столлар /Эрон/;
- ийсирилган ипини ўраш учун М 150 конуслари, патронлар ва сапаклар;
- апельсин шартати 40%, 1 литрлик идишда /Венгрия/;
- томат пастаси 30%, 9 кг.ли тунукали идишда /Наманган/ - 50 тонна.

Манзил: Тошкент ш., Новомосковская кўчаси, 23-А. (Муқал: "Старт" стадиони, "Москва" кинотеатри).
Тел.: (3712) 67-76-36, 67-69-94. Факс: 67-66-08.

Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди

Экспортни ривожлантириш дастури доирасида қуйидаги мутахассисларни ишга тақлиф этади:

- инвестициялар бўйича экспертлар;
- иқтисодчилар;
- молия ходимлари;
- юристарлар;
- қимматбаҳо қозғалар бўйича мутахассислар;
- референтлар.

Номзодларнинг шу мутахассислик бўйича иш тажрибалари бўлиши, ўзбек ёки инглиз тилларини билишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, П. Востока кўчаси, 6.
Тел.: (3712) 33-06-99, 33-37-99 (факс).

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг ректорати ва қасба уюшмаси университетининг ҳисобчиси Азимова Нифиса Аҳметовнага улар йўлдоши Аҳмедовнинг МУХИДДИНОВНИнг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоеси, институт ходими, юридик фаилари номзоди А. Қурбонова онаси **Омонгулу ХУДОЕРОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Тошкент Давлат юридик институти жамоеси Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси доцентни Галина Таскирбоевага тўрмуш ўртоғи **Абдурашид КОДИРОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясини тупроқшунослик ва агрохимия институтини жамоеси директорининг илмий ишлар бўйича муовини Р. Қўзиевга акаси **Журакул ҚҮЗНЕВИНГ** бевақт вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

«РОФИ» хуусеий корхонаси жамоеси корхона раҳбари **Эркин МУСЛИМОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чўқур таъзия изҳор қилади.

UZDUNROBITA cellular

ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўздунробита" уяли алоқа Ўзбек-Америка қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикасида уяли алоқа тармоғини модернизациялаш дастурини бажара бориб, 1996 йил декабрда Самарқанд шаҳрида "Телос" фирмаси ишлаб чиқарган замонавий ускуналар базасида ЯНГИ КОММУТАЦИЯ СТАНЦИЯСINI фойдаланишга топширди.

Тармоқ абонентлари янги станцияга ўтказилмоқда. Шу муносабат билан "Ўздунробита" уяли алоқа қўшма корхонасининг Самарқанд тармоғи абонентлари рақамлари ўзгаради.

Яъни иккинчи "1" рақами "8" рақамига алмаштирилади. Масалан, аввалги 31-49-90 рақами ўрнига 38-49-90 рақамини териш лозим бўлади. Абонентларни янги коммутиация станциясига ўтказиш ишлари давом этаётган даврда Самарқанд шаҳрида вақтинча яъни 1997 йил январда автомат роуминг бўлмайди. Уни қайта улаш вақти қўшимча эълон қилинади. Бошқа шаҳарларнинг уяли абонентларини улаш бўйича Самарқанд филиалининг маркетинг бўлимига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш зарур: 38-40-02, 38-40-10.

Ҳурматли абонентлар! Вақтинчалик юз берадиган ноқулайлик учун "Ўздунробита" қўшма корхонаси сизлардан уэр сўрайди. Уяли алоқанинг янги станцияси ишга туширилгач, Самарқанд шаҳрида хизмат кўрсатиш сифати анча яхшиланади, абонент тармоғи ривожланади.

"Ўздунробита" ҚК.

